



FARG'ONA VILOYAT BOLALAR KO'P TARMOQLI TIBBIYOT MARKAZI

BUYRUQ № 55

«16» март 2022-й.

Farg'ona sh.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 10-январдаги 16-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020-йил 20-январдаги № 11-сонли буйруғи ва Фарғона вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2020-йил 22-апрелдаги № 17-09/1518-сонли кўрсатма хати ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 10-январдаги 16-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020-йил 20-январдаги № 11-сонли буйруғи ва Фарғона вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2020-йил 22-апрелдаги № 17-09/1518-сонли кўрсатма хати ижро учун қабул қилинсин.

2. Фарғона вилоят Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва нотиббий хизмат турларини аутсорсингга ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни кўриб чиқиш ва ўтказиш бўйича марказнинг ишчи гуруҳ таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фарғона вилоят Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг ошхонаси аутсорсингга ўтказилсин.

4. Бош ҳисобчи К. Мирзаабдуллаевага:

- Ўн кун муддатда Фарғона вилоят Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг ошхона бўлимлари техник талабларга асосан аутсорсингга ўтказилиши бўйича давлат харидларининг ахборот хизмати порталига эълон берилиши таминлансин.

5. Ходимлар бўлими мудир У.Рўзиевага:

Ошхона бўлими аутсорсингга ўтказиш жараёнида қисқартириладиган ходимларни белгиланган тартибда иш билан таъминлаш ёки қонунчиликда

кўрсатилган тартибда меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилиши таъминлансин.

6. Аутсорсинг хизматларни ташкил этиш учун ижара шартномаси доирасида вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари, шу жумладан, тегишли инвентарлардан фойдаланиш учун ижара тўлови ноль ставкада берилиши амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида бўлиши таъминлансин.

7. Аутсорсинг хизматларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2020 йилдаги № 16-сонли қарорига мувофиқ; тасдиқланган Низом асосида иш олиб борилсин.

8. Аутсорсинг бўйича амалга оширилаётган ишларни ва ушбу буйруқ бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Фарғона вилоят Болалар кўп тармоқли

тиббиёт маркази бош врач:



Ш.Б.Қўчқоров

Фарғона вилоят Болалар кўп
тармоқли тиббиёт маркази
16. май 2022 йилдаги
55 -сонли буйруғига
1-илова

1.Ш.Б. Кўчқоров

2.И.М. Убайдуллаева

3.Х.Х. Қодиров

4.К.Т.Мирзаабдуллаева

5.Б.Солиев



Фарғона вилоят Болалар кўп тармоқли тиббиёт
маркази бош врач, ишчи гуруҳ раиси

Бош врач ўринбосари, гуруҳ аъзоси

Бош врач ўринбосари, гуруҳ аъзоси

Бош ҳисобчи, гуруҳ аъзоси

Мухандис, гуруҳ аъзоси